

Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла | Термиз тумани «Гулистан» маҳалласи



Термиз туманида оғир ҳудуд тоифа сифатида танлаб олинган 5 та маҳаллалада мезонлар асосида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айни кунларда инфратузилмани яхшилаш ишлари туманнинг «Гулистан» маҳалласида давом этмоқда.

Бугун маҳалладаги кўчаларга бириткирилган масъуллар ва аҳоли вакиллари иштирокида “обод кўча” мезонлари асосида йўлбўйи майдонларини тозалаш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишлари амалга оширилди. Кўчалар бегона ўтлар ва чиқиндилардан тозаланди.

Шунингдек, маҳалла аҳолисига суюлтирилган газ балонлари етказиб берилди.